Ушбу сонда:

2 *«Ишонч» фош этади* ҚОВУН-ҚОВУННИ КЎРИБ РАНГ ОЛАДИ

3 TV – ДАСТУРИ

4 БИР ҲАРФ ЎРГАТГАН УСТОЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 3 октябр, жума № 154 (1579)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АВТОДЎКОН ДАЛАГА ЧИҚДИ

Охунбобоев туманидаги 186 дала шийпонида теримчи ва хашарчиларнинг унумли ҳордиқ чиқариши учун зарур шароит яратилди. Тўққиз мингдан зиёд теримчи далага чиқмоқда. Шийпонларда ошхона, дам олиш, тиббий хизмат хоналари ишлаб турибди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими иккита махсус тез ёрдам гуруҳини ташкил этган. Матлубот савдо тизими кўчма автодўконлар хизматини йўлга қўйди. Уларда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари таъминотига алоҳида эътибор қаратилган.

- Мавсум маданият ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди,- дейди вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Т.Собиров. - Чунки кун давомида меҳнат қилган пахтакор мазмунли ҳордиқ чиқаришга ҳақли. Шуни ҳисобга олиб, тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Қ А Р О Р И**

Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 28 августдаги Ф-1832-сон Фармойишига мувофиқ тузилган махсус гурух томонидан «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошкоммунгаз» корхонаси фаолиятида жиддий камчиликлар аниқланган. Газ таъминоти тизимида бозор муносабатлари жуда секинлик билан жорий этилмоқда, катъий тўлов интизоми мавжуд эмас. Табиий газнинг исроф бўлишига ва ўғирланишига йўл қўйилмоқда, газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишнинг кўпдан-кўп ҳоллари мавжуд.

Ҳисоб-китоб-тўлов интизомига риоя этилмаслиги, сотилган табиий газ учун ўз вақтида ҳақ тўланиши устидан назоратнинг сустлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори юқорилигича қолмоқда. Уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ишлари колоқлик билан олиб борилмоқда.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан назорат ўрнатилмаганлиги туфайли «Бошкоммунгаз» корхонасининг ҳудудий бўлинмалари ҳузурида ўзбошимчалик билан ортиқча бўғин - «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси ва «Техгаз» ҳудудий шўъба бошқармалари ташкил этилган, уларга газ тармоқларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш функциялари берилган. Бу бошқарув ходимлари сонининг асоссиз кўпайиб кетишига олиб келди.

Табиий газ сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш, республика газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, ҳисоб-китоб-тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Бошкоммунгаз» корхонаси ва унинг «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси тугатилсин.

2. «Бошкоммунгаз» корхонасининг «Газтаъминот» ҳудудий шўъба корхоналари, «Техгаз» шўъба бошқармалари ва уларнинг тегишли туман ва шаҳар филиаллари юридик шахс ҳуқуқига ҳамда туман (шаҳар) филиалларига эга бўлган Ҳудудий газ таъминоти корхоналарига («Қорақалпоқгаз», «Андижонгаз», «Бухорогаз», «Жиззахгаз», «Қашқадарёгаз», «Навоийгаз», «Наманганга з», «Самарқандгаз», «Сурхондарёгаз», «Сирдарёгаз», «Тошкентвилоятгаз», «Фарғонагаз», «Хоразмгаз» ва «Тошкентшаҳаргаз») айлантирилсин (кейинги ўринларда ҳудудий газ таъминоти корхоналари деб аталади).

Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган ҳудудий газ таъминоти корхоналари «Ўзкоммунхизмат» агентлигига ҳисобот беради.

Газ таъминоти тизимини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш натижасида бошқарув ходимлари сони 864 нафарга қисқариши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар ташкил этилаётган ҳудудий газ таъминоти корхоналарининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

газ тармоқлари ва ускуналаридан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш;

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан табиий газ етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш, истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, сотилаётган газ ҳажмларининг қатъий ҳисобини олиб бориш;

газ тармоқларини жорий таъмирлаш, шунингдек тасдиқланган аниқ рўйхатларга мувофиқ уларни мукаммал таъмирлаш;

сотилган табиий газ учун ўз вақтида олдиндан ҳақ тўлаш ҳамда маблағлар йиғиб олиш ишларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда объектларни газ қувурлари тармоқларига улаш учун техник шартларни бериш ва улаш;

тасдиқланган дастурларга мувофиқ истеъмолчиларга газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш, уларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш;

газ тармоқлари ва ускуналаридан хавфхатарсиз фойдаланиш қоидалари норматив талабларига риоя этиш.

4. Етказиб берилаётган табиий газ учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш ва ўз вақтида ҳақ тўланиши учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида ҳудудий газ таъминоти корхоналари аппарати тузилмасида Сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш туманлараро инспекциялари ташкил этилсин.

Қуйидагилар ташкил этилаётган инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сотилган табиий газ учун аҳолидан ва истеъмолчиларнинг бошқа тоифаларидан маблағ тўпланишининг тўлиқлиги таъминланишини назорат қилиш;

амалдаги газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олиш ҳолларини аниқлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг олдини олиш чора- тадбирларини кўриш;

ҳақини тўламаган ва рухсатсиз уланиб олган истеъмолчиларни газ тармоқларидан узиб қўйиш тўғрисида туман (шаҳар) газ таъминоти ташкилотларига ёзма кўрсатмалар бериш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу ёзма кўрсатмаларни бажармаганлиги учун айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши керак.

5. Қуйидагилар:

ҳудудий газ таъминоти корхоналари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси, минтақаларнинг тоифаларидан келиб чиққан ҳолда улар ходимларининг умумий чеклан ган сони;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари туман ва шаҳар филиаллари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси;

(Давоми 2-бетда)



Фурқат туманида замонавий ишлаб чиқариш тармоғи ишга тушди. Бир пайтлари Қўқон, Қорасув ва Жиззахдаги пайпоқ тикув корхоналарига бирламчи хомашё етказиб берган корхона кейинги йилларда инқирозга юз тутди. Эски дастгоҳларда тайёрланган калава-иплар бозор иқтисодиёти шароитида ўз харидорини топа олмади.

Мулкчиликнинг янги шаклида иш бошлаган «Ишонч» акционерлик жамияти асосий эътиборни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, сифатини яхшилашга қаратди. Германиянинг «Трючшлер» фирмасидан замонавий технология сотиб олинди.

Мутахассисларнинг айтишича, корхонада янги ишлаб чиқариш дастгоҳлари ишга тушгач, йилига жаҳон андозасига мос беш минг тоннагача калава-ип ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Айни кунда корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки маҳсулотлар Туркия ва Россияга экспорт қилинди.

Суратларда: ишлаб чиқариш цехи; ишчи М.Худойбердиева.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ АЛОҚА

Бугунги тезкор, шиддат билан ўзгараётган замонамизни сифатли телекоммуникация хизматисиз тасаввур этиш қийин. Нега деганда, республикамиз пойтахтидан тортиб, олис қишлоқларда ҳам маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматига эҳтиёж сезилмоқда. Шу боис жойларда нафақат мамлакат ичкарисида, балки халқаро сўзлашувлар учун абонентга қулай шарт-шароитлар яратилган. Яъни, мижоз телефондан ташқари телефакс, телекс, видеотекс, радиотелефон, радиоузайтиргич каби алоқа воситаларидан ҳам фойдаланмоқда.

«Бухоротелеком» корхонасига қарашли Бухоро туман телекоммуникация боғламасида ҳам мижозларга давр талабларидан келиб чиқиб хизмат кўрсатишга катта аҳамият қаратилмоқда. Ишчан жамоа 56 нафар тажрибали ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлару операторларни ўзида бирлаштирган.

– Ҳар бир ходимимизнинг ўз ўрни бор. Уларга бажараётган ишига, касб маҳоратига қараб ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Шунинг учун ҳам туман маркази – Галаосиё шаҳрида 1814 та ҳамда 15 та ширкат хўжалиги ҳисобидан 1835 та абонентга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, – дейди бош муҳандис Жамшид Худоёров.

Дарҳақиқат, корхонада мураккаб, соғлиқ учун зарарли бўлган юмушларни бажараётганлар алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Масалан, компьютерда ишловчи ходимлар ва пайвандловчиларга 20 фоиз миқдорида устама ҳақ тўланаяпти. Соҳада узлуксиз ишлаб келаётганларга доимий моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, ёзнинг жазирама, қишнинг изғирин кунларида ишловчи ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш ҳам жамоа шартномасидан ўрин олган. Яна бир гап. Бу йил қиш мавсуми олдидан озиқ-овқат заҳирасини яратиш мақсадида жамоа аъзоларига 50 минг сўмгача маблағ ажратиш кўзда тутилган. Иш ҳақи, мукофот пуллари ва бошқа тўловлар ўз вақтида бериб борилмоқда.

Бундай ғамхўрликларга жавобан жамоа ходимлари астойдил меҳнат қилишмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларидаги 6 та эски АТСни рақамлиларига алмаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунда шиша толали кабеллардан фойдаланиляпти. Тез орада қўшимча тарзда 1000 та рақамни ўз эгаларига топширилади. Шунингдек, ҳадемай белгиланган лойиҳа асосида «Дўстлик», «Бухоро», «Чорбакр», «Ўзбекистон» ва Файзи Аллаев номли ширкат хўжаликларининг Работан, Қўлба, Кафтаул, Ўзбекон, Жизбанди қишлоқлари аҳли телефон хизматидан фойдалана бошлайдилар. Ҳозир бира-тўла 4-5 та давлат аҳамиятига эга бўлган линияларда таъмирлаш ишлари амалга оширилаяпти. Бунда тизимга қарашли кўчма механизациялашган жамланма ходимларининг хизмати катта бўлмоқда. Боғланманинг Марат Бобоев бошчилигидаги таъмирловчилар бригадаси аъзолари ҳам тиним билмай меҳнат қилишмоқда.

Галаосиё шаҳридаги «Мустақиллик» маҳалласида ҳам етти рақамли янги телефон тармоғини барпо этиш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Ишловчиларга ўз вақтида махсус кийим-кечаклар, ҳимоя воситалари каби зарур жиҳозлар етказиб турилибди. Ҳадемай, туман ўрамидаги барча АТС тармоқлари янги, сифатли хизмат кўрсатиш занжирига уланади.

Дарвоқе, абонентларга намунали хизмат кўрсатишга бўлган интилиш ўз самарасини бермоқда. Самарадорлик ошиб, даромад ва тушумлар салмоғи тобора кўпайиб бораётир. Кўрсатилган хизмат учун тўловлар тўлаш анча енгиллашмоқда. Шу боис ҳозирда тизимда мавжуд қарздорликка буткул чек қўйилди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

ТЕРИМЧИГА ИШ ҲАҚИ

ҳар беш кунда берилмоқда

Вилоятнинг барча туманларида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Давлатга ўн беш минг тонна сифатли хомашё етказиб беришга ахд қилган жомбойликлар ҳам пахта теримига қизғин киришган.

Ҳар куни олти минг теримчи далага чиқяпти. Уларга барча шароитни яратишга ҳаракат қилинаяпти. Пахтазорда меҳнат қилаётганларга даланинг ўзида хўжаликлар ҳисобидан тушлик ташкил этилган.

- Теримчиларга иш ҳақи ҳар беш кунда бериб бориляпти, - дейди «Пахтабанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси Улуғбек Вафоев. - Мана бугун беш кунлик меҳнат ҳақи тўланди. Терилган ҳар килограмм пахта учун 31 сўмдан, жами 68 миллион сўмга яқин пул тарқатилди. Банкимиз томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи ҳисоб-китоб ишлари билан бирга пулнинг ўз эгасига етиб боришини ҳам назорат қилмоқда.

Х.Низаматов номидаги ширкат хўжалиги даласида кўчма автодўконни теримчилар қуршовида кўрдик.

- Беш кунда ўн тўққиз минг сўмдан ошиқроқ пул олдим,- дейди Хурмат Бозорова. - Бу фақат ўзимники. Оиламиз билан топган пулимиз қарийб олтмиш мингга етади. Очиғи, манфаатдор бўлганингдан кейин ҳар дақиқани ғанимат биларкансан. Ҳатто бозорга чиқишга ҳам вақтни қизғаниб юргандик. Мана, дўконнинг ўзи келиб қолди. Шакар, ёғ, ун, совун ва бошқа керакли нарсаларни шу ердан оляпмиз.

Туман матлуботсавдо бирлашмаси мавсум давомида даладаги теримчилар учун қарийб 100 миллион сўмлик кундалик эҳтиёж моллари жамғариб қўйган. «Пахтабанк» бўлимида эса терилган ҳосил учун тўланадиган 465 миллион сўмни ўз вақтида тарқатиш учун барча имкониятлар мавжуд.

(ЎзА)

ХИТОЙ ЧОЙИ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтдаги Республика мол-хомашё биржасида Хитой халқ республикасининг юртимиздаги элчихонаси томонидан хитой чойларининг кўргазмаси ўтказилди. Унда хитойнинг 14 та чой ишлаб чиқариш компаниялари иштирок этди.

ХХРда чой плантациялари майдони 1 миллион 180 минг 100 гектарга етади. Ўтган йили бу ҳудуддан олинган ҳосил 720 минг тоннага етди. Қадимқадимдан буюк ипак йўлидаги икки давлат - Ўзбекистон ва Хитой ўртасида савдо алоқалари йўлга қўйилган. Бугунгача чинни, газлама ва бошқа маҳсулотларни жаҳонга экспорт қилиб келаётган Хитой давлатида чой ўстириш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Тарихий маълумотларга кўра, чойдан хитойликлар шифобахш ичимлик сифатида тўрт минг йилдан бери фойдаланади. Қадим Чин давлати 1500 йилдан бери чой экспорт қилади. Чойни етиштириш, уни қайта ишлаш, қадоқлаш, ўзига хос усулда дамлаш ва истеъмол қилишда бу халқнинг олдига тушадигани йўқ. Бу хусусиятлар ўзбек халқида ҳам мавжуд. Шунинг учун Хитой ишбилармон доиралари, шу давлатнинг юртимиздаги элчихонаси вакиллари ҳар иккала мамлакат иқтисодий ҳамкорлигига хизмат қилувчи кўргазмаларнинг дастлабкисини айнан мана шу хушхўр ичимликка бағишлашди.

"Туркистон-пресс"

Тошкентда "White mose" янги таълим лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Янги лойиҳа иқтидорли ёшлардан етук мутахассислар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашга қаратилган.

«WHITE MOSE» ТАЪЛИМ МАРКАЗИ

Тошкент давлат техника университети талабаси Константин Ли бошчилигидаги ташаббускор ёшлар гуруҳи "White mose" лойиҳасини амалга оширишга киришди. Мазкур лойиҳа асосида ўқув маркази ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу талабалар учун қўшимча билим олиш имконини беради. Марказда менежмент, бухгалтерия, ахборот технологиялари каби йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган кўплаб ёшларни учратиш мумкин. Марказнинг асосий фаолияти ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ҳам йўналтирилиб, машғулотлар давомида бизнес режа тузиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш бўйича ҳам билим берилади.

- "White mose" маркази ёшларга нафақат билим беради, балки уларни келгусида мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишларини ҳам ўз назоратига олади, - деди лойиҳа муаллифи Константин Ли. - Таълим ислоҳотлари даврида халқаро жамиятда интеграциялашув муҳим аҳамият касб этади. Келажакда марказ АҚШ, Англия, Жанубий Корея университетлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишни режалаштирган. "White mose" инглиз тилидан таржима қилинганда "Оқ сичқон" дегани. Япон фалсафасида оқ сичқон мукаммалликка интилиш рамзи экан. Ўзбекистон ёшларининг билимга чанқоқлиги, мукаммалликка бўлган интилиши мазкур лойиҳани амалга ошириш учун туртки бўлади, деди Кнстантин Ли сўзининг якунида.

"Туркистон-пресс"

МАКТАБЛАРГА КОМПЬЮТЕРЛАР

Қорақалпоғистондаги ўнта мактаб "Ўзбекистон мактабларига компьютерлар " дастурида иштирок этмоқда. Махсус танловда ғолиб чиққан ушбу мактабларга 10 тадан компьютер ва принтер ўрнатилди. Шунингдек виртуал кутубхонанинг ўқув адабиётлари CD -дискларда тақдим этилди.

"Ўзбекистон мактабларига компьютерлар" лойиҳаси АҚШ халқаро ривожланиш агнетлиги (ЮСАИД) томонидан молиялаштирилмоқда ва Халқаро тадқиқотлар ва алмашинувлар кенгаши (АЙРЕКС) томонидан рўёбга чиқарилмоқда. Ушбу халқаро ташкилотларнинг вакиллари лойиҳада иштирок этаётган Нукус, Тахиатош, Хўжайлидаги мактабларда бўлишди. Улар ўқувчиларининг компьютер саводхонлиги борасида яхши натижаларга эришаётганликларини қайд этишди.

Истеъмолчи манфаати муқаддас

Бозор муносабатларини чуқурлаштириш стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштиришни тако-зо этади. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метеорология ва маҳсулот ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори ижроси хусусида Қашқадарё вилояти стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси бошлиғи Тўлқин Хидиров шундай дейди:

СИФАТИ КАФОЛАТЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАР

— Истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишини таъминлаш учун жамоатчиликни кенг жалб этиш, ички истеъмол бозорида сифатсиз, соғлиққа хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган кўплаб қарорлар қабул қилинди. Зотан, бу меъёрий ҳужжатлар истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялашни кафолатлайди. Вилоят стандартлаштириш ва метеорология бошқармаси ходимлари ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Бугунги кунда «Пахтасаноатсотиш», «Ўзбекнефтгаз» ва «Ёғмойтамакисаноат» тизимларидаги йирик корхоналар ташқи бозор билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Қашқадарёнинг пахта толаси, ипак, момиқ, мевалар шарбати, суюлтирилган газ, полиэтелин каби маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб катта. Хорижга жўнатилаётган истеъмол молларининг сифатли ва рақобатбардошлигини таъминлашга жамоамиз ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Хорижга юборилган маҳсулотлар кўрикдан ўтказилиб, тегишли рухсатномалар берилди.

«Дори воситаларини стандартлаш ва экспертиза қилиш давлат маркази Қарши ҳудудий бўлими» шуъба корхонаси, «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятининг марказий ва «Шакаржўш», «Маҳтумқули», «Янгиобод» ғалла қабул қилиш масканлари ҳамда «Қарши сопол қувурлар заводи» масъулияти чекланган жамиятининг синов лабораториялари метсорологик аттестациядан ўтказилди. Айни пайтда корхона ва ташкилотларнинг 4062 дона ўлчаш воситаси кўздан кечирилганда уларнинг кўпчилигида метеорологик талаблар бузилганлиги аниқланди. Вилоятдаги 78 та корхонада давлат назорати стандартлар ва ўлчаш воситалари устидан давлат назорати амалга оширилганда, уларнинг аксариятида меъёрий талаблар бузилганлиги маълум бўлди. Нуқсонларга йўл қўйилганлиги учун корхоналарга 1 миллион 83 минг сўмлик иқтисодий жарималар қўлланилди.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» тизимига қарашли «Шаҳрисабз шароб ароқ» очиқ ҳиссадорлик жамияти омборхонасида сақланаётган 26 хил маҳсулотдан 3 турдаги вино ичимлиги тамғаланиши ва сақланиши бўйича стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Шунинг учун умумий қиймати 21 миллион 946 минг сўмлик маҳсулотларни сотиш тўхтатилди, камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Сифатни аниқлаш жараёнида эътиборсизлик қилганлиги учун корхона лабораторияси мудири маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундай текширишлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли 67 та корхонада ҳам ўтказилди. Китоб туманидаги Р.Шайманов номли ширкат хўжалигида Россияда ишлаб чиқарилган «Енисей» русумли ғалла ўриш комбайнлари қаровсиз ҳолга келиб қолган. Бундан ташқари, қарийб бир тонна қўй гўшти мувофиқлик сертификатисиз аҳолига тарқатилган. Косон тумани Улуғбек номли ширкат хўжалигида эса 267 минг сўмлик товуқ тухуми сифати кафолатланмаган ҳолда фуқароларга сотилган. Хўжаликдаги 21 дона ўлчаш воситасидан 16 таси давлат қиёслашидан ўтказилмаган.

Бундай мисолларни яна ҳам келтириш мумкин. Китоб туманидаги Ж.Турдиев, Ш.Умаров номли ҳамда «Варганза» ширкат хўжаликларида, Чироқчи туманидаги «Она», Косон туманидаги «Жаҳонгир» хусусий фирмаларида қонун талаблари бузилган. Вилоят бўйича 6 хил турдаги 24 миллион 226 минг сўмлик тайёр маҳсулотларнинг сифати пастлиги учун сотиш таъқиқланди. Улар орасида 22 миллион сўмлик спиртли ичимликлар, 2 миллион 280 минг сўмлик озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари бор.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Қ А Р О Р И**

Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Ҳудудий газ таъминоти корхонаси тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқлансин.

6. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги марказий аппарати тузилмасида:

ходимлари сони 11 нафар бўлган Аҳоли ва корхоналарни газ билан таъминлаш бош бошқармаси;

ходимлари сони 9 нафар бўлган Газ таъминоти бўйича назорат- тафтиш бошқармаси ташкил этилсин.

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг марказий аппарати тузилмаси тасдиқлансин.

7. Қуйидагилар:

ҳудудий газ таъминоти корхоналари таркибида ташкил этиладиган инспекциялар фаолиятини;

сотилган газ учун аҳолидан ва улгуржи истеъмолчилардан маблағлар тўлиқ йиғилишини;

ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини;

газ тармоқларига рухсатсиз уланиб олишга йўл қўйилмаслигини доимий назорат қилишни таъминлаш Газ таъминоти бўйича назорат- тафтиш бошқармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

2003 йил 1 ноябрдан бошлаб, аҳолидан ташқари, истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун ҳудудий газ таъминоти корхоналари томонидан етказиб бериладиган табиий газ учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг 15 фоизи ҳақини мажбурий равишда олдиндан тўлаш жорий этилади;

истеъмол қилишнинг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунгача ҳақни олдиндан тўламаган ёки якуний ҳисоб-китобни шартномаларда белгиланган муддатларда ўз вақтида амалга оширмаган улгуржи табиий газ истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш тўхатилади;

2004 йил 1 январдан бошлаб кичик ва хусусий бизнес корхоналарига табиий газ етказиб бериш истеъмол қилиш лимити белгиланмасдан, тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

9. Белгилансинки:

ташкил этилаётган ҳудудий газ таъминоти корхоналари, шунингдек уларнинг филиаллари ва инспекциялар тугатилаётган тегишли тузилмаларнинг тузилган шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади ҳамда хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ҳисобига маблағ билан таъминланади;

тугатилаётган «Бошкоммунгаз» корхонасининг асосий воситалари «Ўзкоммунхизмат» агентлиги балансига текин берилади ва даромад (фойда) солиғи солиш объекти ҳисобланмайди.

10. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

мазкур қарорнинг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган корхоналарнинг белгиланган тартибда тугатилишини ва қайта ташкил этилишини, шунингдек уларнинг мажбуриятлари ва талаблари масалалари ҳал қилинишини бир ой муддатда таъминласинлар;

сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш бўйича янги ташкил этилаётган инспекцияларни танлов асосида малакали мутахассислар билан тўлдирсинлар, шунингдек уларнинг мажбурий ёзма кўрсатмалари қуйи тузилмалар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқласинлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, сотилган табиий газ учун истеъмолчилардан маблағлар йиғилишини назорат қилиш бўйича янги ташкил этилган инспекцияларнинг сотилган табиий газ ҳажмларига мувофиқ маблағларни йиғишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминласинлар;

Табиий газ истеъмолчиларига ҳамда газ тармоқларини ривожлантириш ва суюлтирилган газ билан таъминлаш юзасидан фойдаланиш корхоналарига хизматлар кўрсатувчи тузилмаларни босқичма-босқич давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда 2005 йилгача бўлган даврда газ ҳисоблагичлар учун бир марта фойдаланиладиган пломбаларни олиб келиш, шу ернинг ўзида тайёрлаш ва ҳамма жойда, биринчи навбатда Тошкент шаҳрида ўрнатиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

12. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги:

2004-2005 йилларда ҳамма жойда туман (шаҳар) газ хўжаликларининг бўлиниш чегараларида, шунингдек шаҳарларнинг турар-жой мавзеларидаги газ тармоқларининг кириш жойларида газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатсин, уларни техник хизмат кўрсатиш шартлари бўйича улгуржи истеъмолчилар газ тармоқларининг кириш жойларидаги газ ҳисоблагичларга тенглаштирсин.

2004 йил 1 январгача газ қувурлари ва истеъмолчиларни тўлиқ хатловдан ўтказсин, унинг натижалари бўйича газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолларининг олди олинишини таъминласин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан биргаликда газ тармоқларини тиклаш ва таъмирлашнинг аниқ дастурини ишлаб чиқсин.

13. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси:

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан биргаликда Худудий газ таъминоти корхоналари балансидаги газ узатиш тармоқларига техник хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини текшириш ва уларни таъмирлаш тўғрисидаги Низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, мазкур ишларни амалга ошириш учун махсус корхона ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўздавнефтгазинспекция» билан биргаликда 2003 йил 1 декабргача бўлган муддатда Табиий газни узатиш ва тақсимлашда технологик исрофгарчиликларни ҳисоблаб чиқиш методикасини, шунингдек пломбани бузганлик ва газни ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартирганлик ҳамда табиий газдан фойдаланиш соҳасидаги бошқа бузилишлар учун истеъмолчиларга ва газ таъминоти корхоналари ходимларига нисбатан жавобгарликни белгилаш ва кучайтириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили давлат бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли учун табиий газга тарифлардаги фарқларни босқичма-босқич, изчил қисқартириб боришни назарда тутсин.

15. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда бир ой муддатда «Бошкоммунгаз» корхонасига Ҳукумат қарорларига мувофиқ берилган хорижий кредитлар ва Молия вазирлигининг кредитлари юзасидан унинг қарз мажбуриятлари бўйича кредит ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда Ҳукумат кафолатига тегишли қўшимчалар берсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавнефтгазинспекция» инспекцияси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш қоидаларига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорига 4 ва 5-иловаларга мувофиқ табиий газ учун ҳақ тўлашнинг имтиёзли шартлари белгиланган табиий газ истеъмолчилари рўйхатларига ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

17. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 октябр

И.КАРИМОВ



Кейинги пайтларда республикамизда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. «Чортоқгиштзаводи» масъулияти чекланган жамият ҳам мана шундай ғамхўрлик натижасида фаолият кўрсатиб, кундан кунга ривожланиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори даражада бўлиши харидорларни ўзига жалб этаяпти.

Суратларда: корхона иш фаолиятидан лавҳалар.
Шавкат СУЛТОН олган суратлар



ЭНГ ЯХШИ ГУЗАР

Қўрғонтепа тумани Навоий номидаги ширкат хўжалигининг "Деҳқонобод" гузари энг яхши гузарлардан деб топилди.

Гузар марказида кундузги стационар, физиотерапия бўлимлари ва дорихонадан иборат янги қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилди. Даволаш муассасаси ширкат хўжалиги маблағлари ҳисобига барпо этилди. Унга ўн миллион сўм сарфланди.

-Шифо масканидан ташқари, гузаримизда маҳаллий тадбиркорларнинг маблағлари эвазига уй-рўзғор асбобларини таъмирлаш устахонаси, новвойхона,гўшт дўкони, чойхона,ошхона, тикувчилик цехи, кутубхона, озиқ -овқат ва хўжалик моллари дўконлари қурилди, - деди "Деҳқонобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўминжон Содиқов.

М. Содиқовнинг таъкидлашича, маҳалла фаоллари ширкат хўжалик ёрдамида маҳалла қўмитаси биносини тиклади. Бу ерда педагог-тарбиячи, посбонлар сардори, милиция нозири, маҳалла фуқаролар йиғини раҳбари иш олиб бормоқда

— Маҳалла гузарларини барпо этиш билан янги иш ўринлари очмоқдамиз, - деди ширкат хўжалиги раисининг ўринбосари Қудратилла Султонов. - Биргина "Деҳқонобод" гузарида салкам етмиш киши ишга жойлашди. Йигирма минг киши яшайдиган ширкат хўжалигимизнинг бешта қишлоғида ҳам бундай гузарлар мавжуд. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан тузуккина даромад оляпмиз. Шу боис ҳам қишлоқни обод қилиш учун маблағ ажратишда муаммо пайдо бўлмаяпти.

ЗАВОДНИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

"Ўзтемирйўлмаш" бирлашмасининг филиали - Андижон механика заводи жамоаси вагонлар учун қозонлар ишлаб чиқариш цехини ташкил этди.

Бу пайтга қадар бу ускуналар мамлкатимизга четдан келтириларди. Аслида филиал темирйўл цистерналарини тайёрлашга ихтисослашган. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойида бу ерда 100 та цистерна ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, корхона жамоаси ҳаракатланувчи таркиб учун етмишдан зиёд турдаги эҳтиёт қисмларни тайёрлашни йўлга қўйди. Бу албатта, ушбу маҳсулотлар таннархининг арзонлашувига ва валютани тежашга имкон яратди.

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Учқўприк туманида «Нуронийлар уйи» фойдаланишга топширилди.

Миллий ва замонавий меъморчилик андозалари асосида бунёд этилган масканда кексаларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароит яратилган. Сўлим дам олиш жойлари, муҳташам хоналар, телевизор ва кундалик нашрлар нуронийлар хизматида.

«Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимидан маълум қилишларича, айни кунларда Данғара ва Тошлоқ туманида ҳам кексалар учун ана шундай махсус дам олиш уйлари қурилмоқда. Вилоятда ҳар йили тўрт мингдан зиёд отахон ва онахон шифохонаю сиҳатгоҳларда саломатлигини тикламоқда.

"Туркистон-пресс"

ФАХРИЙЛАРГА ДАСТУРХОН ТУЗАЛДИ

2003 йил-Обод маҳалла йили

Жорий йилнинг Республикамиз Президенти ташаббуси билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши касаба уюшма ташкилотларига ҳам катта масъулият юклади. Шу боисдан ҳам жойларда касаба уюшма қўмиталари кўпгина жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ўтказишмоқда. Шу жумладан, Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси йил бошида бу борада амалга оширадиган ишларининг режасини тузиб чиққанди. Шунга кўра, маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан вилоятнинг барча туманларида болалар учун ҳашар йўли билан спорт майдончалари ташкил этилмоқда. Мавжудлари эса қайта таъмирланяпти. Бундай тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир туманда 200-300 минг сўм атрофида маблағ ажратилган.

Андижон вилоятида «Обод маҳалла йили»га бағишлаб белгиланган тадбирлар режасига мувофиқ, жамоа шартномаларида маҳаллаларда ободончилик ишларини янада кучайтириш ишлари ҳам кўзда тутилган. Фарғона «Ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти, Ёзёвон туман «Қатортол» фермерлар уюшмаси, Қўқон «Донмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти, «Боғдоддон» корхонаси каби бир қатор корхоналарда маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда «Наврўз», «Мустақиллик» байрамлари ҳамда «Хотира ва қадрлаш» куни ўтказилди.

Пойтахт вилоятидаги маҳалла гузарларида ҳам ҳашарлар ташкил этилмоқда. Хотира ва қадрлаш кунида эса жойлардаги уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам уюштирилди. Чиноз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида уруш қатнашчилари ҳамда байналмилалчи жангчиларга ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ёзилиб, 250 минг сўмлик совға-салом тарқатилди.

Қарши шаҳрида эса вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Маҳалла», «Наврўз» хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда «Обод маҳалла йили»га бағишлаб «Алла» иштирокчиларининг кўрик-танлов ўтказилди. Унда Қарши туманидаги Акмал Икромов номли хўжалик қошидаги «Ҳилола» фольклор-этнографик жамоаси фахрли ўринни эгаллади. Тошкент шаҳрида ҳам маданий-оммавий ва спорт ишлари «Агросаноатчи» маданий соғломлаштириш спорт клуби билан ҳамкорликда тузилган режа асосида маҳаллаларда, корхона, ташкилот ва ўқув юртларида кўпгина тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

МУЛОҚОТ САМАРАСИ

Меҳнат аҳлининг манфаатларини ҳимоя қилишда жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этади. Шу боис касаба уюшмаларида ҳар бир меҳнат жамоасида бу юридик ҳужжат бандларини тўлақонли амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши мутахассислари томонидан корхона ва ташкилотлар мутасаддилари ҳамда фаоллари иштирокидаги ўқувлар, тарғибот ишлари ташкил қилинаётир. Масалан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ташаббуси билан «Андижонёғмой» ва Бобур номидаги ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятлари, Механика заводи, Олтинкўл иқтисодиёт коллежи, Андижон такси саройи, «Андижоннефтгазмаҳсулотлари» корхонаси, Асака шаҳар маданият бўлими ҳамда олий ўқув юртларида ўтказилган мулоқотлар ғоятда самарали бўлди. Ҳуқуқий бўлим билан ҳамкорликда Қўрғонтепа, Андижон, Булоқбоши, Шаҳрихон, Хўжаобод, Балиқчи, Олтинкўл, Асака туманлари ва Асака шаҳри соғлиқни сақлаш ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси қонунларига бағишлаб ўтказилган очиқ мулоқот ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бу каби тадбирлар меҳнаткашлар ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксалишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга жамоа шартномалари аҳамиятини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Бундан ташқари, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, тармоқ касаба уюшмалари, бошланғич қўмиталар меҳнаткашларни иш билан таъминлаш масаласига катта аҳамият бериб келмоқда. Ўтган йили ўтказилган 91 та меҳнат ярмаркасида 1865 та корхона иштирок этиб, 9 минг 719 та иш ўрни таклиф этилди. 4 минг 765 нафар фуқарога ишга кириш учун йўлланма берилди.

Савдо ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмиталари шаҳар, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб, тармоқда меҳнат қонунчилиги талаблари бажарилиши назоратини олиб бордилар. Тармоқда ўтган йил давомида 365 та янги иш ўрни яратилди. 62 нафар ходим иш берувчилар ҳисобидан қайта ўқитилди. Шунингдек, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси тасарруфига кирувчи ташкилот ҳамда корхоналарда ҳам бу соҳада ибратли ишлар амалга оширилди. Мисол учун, «Навоий Интернейшнл» қўшма корхонасида 36 та, «Антекс» акциядорлик жамиятида 24 та, «Избоскан шойи тўқиш» корхонасида 40 та янги иш ўрни очилди.

Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш мақсадида касаба уюшмалари Кенгаши билан вилоят прокуратураси томонидан корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш бўйича тузилган тадбир тасдиқланиб, жойларда мазкур масала обдон ўрганилди. Ўтган йилнинг ўзида 14 та даъво аризаси вилоят прокуратурасига тақдим этилди. Судларга киритилган даъво ишлари ҳам ижобий ҳал этилди. 36 миллион сўмлик муддати ўтказиб юборилган иш ҳақи эгаларига қайтарилди.

Жорий йилда бу каби муаммолар ечимини топиш йўлида янада қатъиятлик кўрсатилмоқда. Масалан, иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмиталари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши натижасида ундирилган иш ҳақи миқдори 55 миллион сўмни ташкил этди.

Қ.АҲРОРОВ,
Андижон вилоят касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси

«Ишонч» фош этади

Мамлакатимизда ислохотлар жараёнини янада жадаллаштириш ва фаровонликни юксалтиришда қўплаб тармоқлар қатори солиқ тизимининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бюджет ташкилотлари ойлик маошлари, пенсия, нафақаларнинг ўз муддатида берилиши таъминланмоқда.

ҚОВУН-ҚОВУННИ КЎРИБ РАНГ ОЛАДИ

Шундай бўлса-да, амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган меъёрлардан юз ўгириб, шахсий бойлик орттириш учун солиқдан даромадни яширадиган, ҳеч бир ҳужжат ва божхона декларациясисиз сифатсиз маҳсулотларни яширинча юртимизга келтириб сотаёган кимсалар, учраб турибди.

Ҳолбуки, ноқонуний фаолият юритаётган бундай кишилар томонидан содир этилаётган сунъий тўсиқлар иқтисодиётимизнинг янада барқарорлашувига тўсиқ бўлаётир.

Олмалиқ шаҳрида кейинги саккиз ой мобайнида тадбиркорлик, савдо ва бошқа соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлиб, даромад солиқлари муддатида кирим қилинмоқда. Албатта, бу – шаҳар иқтисодини юксалтиришга имкон бермоқда.

Лекин шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларига қарамай, қонунбузарликлар учраб турибди. Масалан, Шароф Рашидов номли кўчада жойлашган қолипли нон ишлаб чиқариш цехида ўтказилган тадбирда фуқаролар Д.Эсонов, Б.Эсонов, С.Исаев, Х.Ҳасановлар тегишли ҳужжатларсиз давлат рўйхатидан ўтмасдан, санитария-гигиенага хилоф равишда фаолият кўрсатишган.

Ёки «Ойдин» тижорат бозорида жойлашган хусусий тадбиркор Ли Еленага тегишли савдо дўкони муддатли текширувдан ўтказилганда 56 минг 400 сўм назорат-касса машинасига урилмаган. Нафси ҳакалак отган тадбиркорга бу қонунбузарлик камлик қилган кўринади. Акс ҳолда, ҳужжатсиз, божхона декларациясидан ўтмаган, истеъмолга яроқсиз маҳсулотни ҳеч иккиланмай савдо пештахталарида ёйиб қўймасди.

Қовун-қовунни кўриб ранг олади, деганлари бежиз эмас экан. Йўқса, Олмалиқ шаҳрида жойлашган «Аи Ли» ЛТД хусусий фирмаси сотувчилари Лиана Степанова, Юлия Тянга нима етишмасди. Ҳалол ишлаб, рўзғор тебратса, тирикчилик қилса, ўзига ҳам, давлатга ҳам зиён келтирмасди.

Икки ҳамтовоқнинг фаолияти ўрганилиб, бир кунлик савдодаги нақд пул назорат-касса машинаси билан солиштириб кўрилганда 107 минг сўм пул кассага кирим қилинмаган ва банкка топширилмаганлиги маълум бўлди.

- Жорий йилнинг шу кунигача 151 та текширув ўтказдик, - дейди шаҳар давлат солиқ инспекциясининг «Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш» шуъбаси мудири Ҳасан Эргашев. - Шундан олтита ҳолатда ҳар хил қонунбузарликлар аниқланиб, бир нафар айбдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қолганлари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тизим мутасаддилари саъй-ҳаракати билан қонунбузарликларнинг олдини олиш учун тадбиркорлар ва якка тартибда фаолият кўрсатаётган субъектлар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳафтанинг бир куни фуқароларни қабул қилиш, уларга солиққа дахлдор бўлган қонун-қоидалардан сабоқ бериш ва семинар-кенгашлар ўтказиб бориш йўлга қўйилган. Бундай тадбирлар маҳаллаларда ҳам ўтказиляпти. Барча турдаги солиқлар тўлови бўйича ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўриладиган бўлса, кўрсаткичлар чакки эмас. Бу албатта, аҳолининг амалдаги қонунларни пухта ўзлаштираётгани ва тижорат, тадбиркорлик соҳасида солиқ маданиятининг кенг шакллана ётгани самарасидир. Лекин онда-сонда бўлса-да, қонунбузилишлар бор экан, бу соҳада яна кўплаб изланишлар қилишга, солиқ маданиятини одамлар шуурига сингдиришга тўғри келади. Ана шундагина даромадни солиқдан яширишлар барҳам топади.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Акмал Икромов туманида 8-оилавий поликлиника шифокорлари билан аҳоли ўртасида учрашув ўтказилди. Унда "Оқтепа", Шароф Рашидов ва Аброр Ҳидоятов номидаги ҳамда "Пахтакор" маҳаллаларининг фаоллари иштирок этишди.

Ҳукуматимиз томонидан тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш борасида кўплаб дастурлар қабул қилинмоқда. Айниқса, аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга касалликни даволашдан кўра олдини олиш зарурлигини тушунтириш борасида турли амалий ишлар йўлга қўйилмоқда. Инсон саломатлиги олтиндан ҳам қиммат, афсуски биз буни кўпинча соғлигимизни йўқотганимиздан кейин тушуниб етамиз. Ҳар доим соғлом турмуш тарзига амал қилиб, вақтида дам олиб, тўғри овқатланишни йўлга қўйсак, бизга дори-дармонларни ҳам кераги бўлмай қолади.

Тадбирда аҳоли орасида тез тарқалувчи юқумли касалликлар, ўткир ичак касалликлари ҳамда болалар касалликлари хусусида сўз борди. Мазкур учрашувни ўтказишдан асосий мақсад маҳаллаларда тиббий маданиятни ошириш, оилада, фарзандлар тарбиясида шахсий гигиенага аҳамият бериш ва тушунтиришдир.

"Туркистон-пресс"

TV дастури

6-12 октябр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
8.50 Мусиқий танаффус.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нурли манзиллар».
10.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
11.00 Теннис бўйича«Тошкент оупен» халқаро турнири.
«Болалар сайёраси»:
13.00 1. «Ғаройибкентга саёҳат».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
14.10 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал. премьераси.
15.00 ТВ анонс.
15.05 «Адабий жараён».
15.25 Кундузги сеанс: «Бирни кўриб шукур қил». Бадиий фильм.
17.05 «Аёлини эъзозлаган юрт».
17.25 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Мумидолга куз келди». Мультфильм.
18.30 «Олтин мерос».
18.45 «Мулкдор».
19.05 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг тантанали очилиши.
23.35 «Япония: турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтоймиз-гижингтоймиз.
17.20 Жаҳон жуғрофияси.
18.10 Ёшлар овози.
18.30ТВ - анонс.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 Одил сўз.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе". Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 - 0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.35, 22.00 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Avto-news».
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.20 Кинонигоҳ. «Севги барини кечиради».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ОРТ. 6.00 – 7.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.15 «Парле ву франсе?»
16.40 «Мультсеанс».
17.00 Евроньюс» янгиликлари.
17.20 «Еврофутбол».
17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Бугунги медицина».
20.50 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.10 «София Ротару ижросидаги концерт дастури».
22.50 «Ахборот».
23.25 "Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Афросиёб», «Сеҳрли камон».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00 , 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.25 Симфоник мусиқа дунёси.
10.40 «Кўпчилик қаторида».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 ТВ клип.
14.50 NHK тақдим этади: «Буюк Ипак йўли». Телесериал. премьераси.
15.40 ТВ клип.
15.50 «Бизнес ҳафта».
16.05 «Экран хандаси».
16.15 ТВ анонс.
16.20 «Кўшиғим - жон кўшиғим».
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари. «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ҳамкорликнинг янги босқичи».
18.45 Репортаж.
18.50 «Олтин бешик».
19.10 «Шарқ тароналари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.25 «Нурли чўққилар».
22.45 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт.
9.50 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 13-қисм.
10.40 Саломатлик сирлари.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 ТВ - адвокат.
11.35 "Гвадалупе». Телесериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Одил сўз.
12.55 Мусиқий лаҳзалар.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Янги авлод» почтаси, Кичкинтоймиз-гижингтоймиз.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.00 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
16.55 Мультфильм «Трям – салом».
17.05 Қуёшли юрт одамлари.
17.25 Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари «Японияннинг боқий маданияти». Сериал 1-қисм.
17.45 Таянч.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Истиқлол умидлари.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 "Давр"- интервью.
19.50 ТВ – анонс.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Ўзбек мумтоз шеъриятидан: Алишер Навоий.
20.10 Дийдор.
20.30 ТВ - адвокат.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 "Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Ёшлар овози.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 «Ўра», «Серенада». Телавизион бадиий фильмлар.
0.35 – 0.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Химоя».
18.30, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-- қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Туризм ҳақида».
20.50 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.10 «Мохир».
21.50 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.50 Кинонигоҳ. «Бахтли воқеа».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ОРТ. 6.00 – 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Теннис. Тошкент Оупен».
17.30 «Евроньюс» янгиликлари.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Кулгу хонаси».
19.40 «Спорт масканларида».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Хроника».
20.45 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
20.55 «Форд Боярд».
22.15 Кинематограф. «Осмондан тушган фаришталар». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот».
00.25 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Элликқалъа».
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Олтин бешик».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Нурли чўққилар».
10.25 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
10.55 ТВ анонс.
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 Кундузги сеанс: «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм.
15.45 «Ягона оилада».
16.15 ТВ клип.
16.25 «Яхшилик».
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Соғлом танда - соғ ақл!»
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Умид». Телелотерея.
18.55 Бир жуфт қўшиқ.
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий Университет». 1-қисм.
21.25 «Ошин». Телесериал.
22.25 «Фарз ва қарз».
22.45 ТВ клип.
22.55 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
9.40 «Мультфомоша».
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 14-қисм.
10.45 «Давр» - интервью.
11.00 Таянч.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 "Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Дийдор.
12.45 Шарқ тароналари фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
13.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут. 2 Теннис.
14.35 Қуёшли юрт одамлари.
14.55 Мусиқий лаҳзалар.
15.05 Автопатрул.
15.25 «Қойилмақом жиноят». Бадиий фильм.
16.55 ТВ - анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
17.25 Мультфильм.
17.45 Ёшлар давраси.
18.20 Кўнгли покнинг уйи обод.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Спорт - лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 Болажонлар экрани.
17.50 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 21.15, 22.10 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.55 Ҳамшаҳарлар».
21.30 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.30 Кинонигоҳ. «Тўйдаги қўшиқчи».
24.00-00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ОРТ. 6.00 – 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Теннис. Тошкент оупен.
17.30 «Евроньюс» янгиликлари.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Аншлаг».
19.35 «Ҳинд оҳанглари».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Форд Боярд».
21.55 И. Аллегрова ижросидаги концерт дастури.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 "Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Соғлом танда - соғ ақл!»
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қалб гавҳари».
10.25 «Кўнгил наволари».
10.40 «Ҳунарманд».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 ТВ анонс.
14.15 «Фарз ва қарз».
14.35 Кундузги сеанс: «Эртаклар тарк этган дара». Бадиий фильм.
15.50 «Муносабат».
16.10 ТВ клип.
16.20 «Оламни асранг!»
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк цирк, цирк».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Репортаж.
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 «Мусиқа ва театр».
19.00 ТВ-консалтинг.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Миллий Университет». 2-қисм.
21.25 ТВ клип.
21.30 Телемулоқот.
22.10 «Ошин». Телесериал.
23.10 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 "Янги авлод" студияси: Оқ кабутар.
9.40 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
10.05 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 15-қисм.
10.55Ёшлар овози.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 "Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.30 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.50 Бахтли болалик қўшиқлари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Кўнгли покнинг уйи обод.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Мусиқий лаҳзалар.
15.25 Истиқлол умидлари.
15.45 Биз билган ва билмаган дунё.
16.05 Бир ўлкаки.
16.25 «Озод Ватан ёшлари ёққан машъала» («Ўзбектелефильм»)
16.55 ТВ – анонс.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Томир.
17.30 «Мультфомоша».
17.45 Кафолат.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ –анонс.
19.55 Ракурс.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Қутқарув «050».
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 22.05 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 «Эл хизматида».
21.25 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.25 Кинонигоҳ. «Масъум қалблар меҳмонхонаси».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ОРТ. 6.00 – 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Теннис. Тошкент оупен.
17.30 «Евроньюс» янгиликлари.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Хулио Иглесиас». Ҳужжатли фильм.
19.15 CFI тақдим этади: «Байрамлар юрти».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Ишбилармон кишилар».
20.55 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
21.05 Кинематограф. «Оқ тўфон». Бадиий фильм.
23.05 «Ахборот».
23.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00 , 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик».
10.25 Мусиқий танаффус.
10.40 «Ҳаёт ва қонун».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Сирли шарча». Бадиий фильм.
15.55 ТВ анонс.
16.00 «Фанимиз истиқболлари».
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!»
17.20 «Озод юрт одамлари».
17.40 «Давр садолари» фестивалининг тантанали очилиши.
18.10 «Чорраҳа».
18.30 Мумтоз наволар.
18.40 «Агар Сиз». Ток-шоу.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 «Ошин». Телесериал.
22.35 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
22.55 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Томир.
9.45 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
9.55 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 16-қисм.
10.45 «Давр»-интервью.
11.00 Мезон.
11.20 ТВ - адвокат.
11.25 "Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Ёшлар овози.
12.25 Ракурс.
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар шеърияти. Ҳосил байрами.
13.25 Интерфутбол.
15.05 Мусиқий лаҳзалар.
15.15 Кафолат.
15.35 Бадиий фильм.
17.05 ТВ - анонс.
17.10 Кўрсатувлар дастури.
17.15 "Янги авлод" студияси: У ким? Бу нима?
17:35 «Мультфомоша».
17.50 «Японияннинг боқий маданияти». Сериал 2-қисм.
18.10 Озод юрт фарзандлари.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Азизим.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 "Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 "Ёшлар" телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2.Ринг қироллари.
0.05 «Совға». Телевизион бадиий фильм.
0.40 – 0.45 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 Болажонлар экрани.
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.50 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 21.00, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Ибрат».
21.15 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
22.45 Кинонигоҳ. «Ажойиб ферма».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ОРТ. 6.00 – 7.00.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Теннис. Тошкент Оупен.
17.30 «Вести».
17.40 «Бинафша».
18.05 «Спорт технологияси».
18.20 «Евроньюс» янгиликлари.
18.40 «Топ-мюзик».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.35 «INTER дайджест».
20.50 «Дурдаршан».
21.20 «Дунёга назар».
21.50 «Нима? Қаерда? Қачон?»
23.10 «Хит парад».
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 11

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.50 Афиша.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Бу турфа олам».
11.00 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.00 «Изҳор». Мусиқий телемонолог.
14.15 «Адабий жараён».
14.35 «ТВ 1 да кинокомедия: «Чаплин». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.35 «Шанбада учрашамиз».
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Чаплин». Бадиий фильм. 2-қисм.
17.25 «Ҳиммат».
17.40 «Бир кулишайлик».
17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқнинг кўнгли». Ижодкор ва томошабинлар учрашуви.
21.40 «КиноТеатр».
22.00 «Талваса». Видеофильм премьераси. 1-қисм.
22.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнири кундалиги.
23.00 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.20 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Гамлет». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ – анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
10.00 «Мультфомоша».
10.15 Табобат оламида.
10.40 Ринг қироллари.
11.30 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
11.45 «Гвадалупе». Телесериал.
12.25 Кутилмаган меҳмон.
12.45 Таъзим сизга, устозлар!
13.15 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 4-қисм.
14.15 ТВ-анонс.
14.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.40 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.30 Озод юрт фарзандлари.
15.50 «Еввойи мушук дарасидан қочиш». Бадиий фильм.
17.20 ТВ-анонс.
17.25 «XXI аср ўзбек театри» («Ўзбектелефильм»)
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
18.25 Қўшқулоқ.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Сув -ҳаёт манбаи.
20.05, 21.05, 22.35 Эълонлар.
20.10 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 5-қисм.
21.10 Оҳанрабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Тоғлар аро 7 йил». Бадиий фильм.
1.05-1.10 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 «Мультчархпалак».
18.00, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30 «Афиша».
18.50«Мисли гавҳар».
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.25 «Жаҳон географияси».
19.55 «Озод ва обод юрт».
20.15 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.35 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
21.55 Кинонигоҳ. «Бу улкан олам».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Сўнгги қаҳрамон. Орзулар ушалиши».
10.30 «Клонлаштириш. Ҳақиқат ва ёлғон».
11.00 Болалар соати: «Аманда». Бадиий фильм.
12.40 «Бола бошидан».
12.55 CFI тақдим этади: «Илм фан афсонаси».
13.40-14.40. Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон умумий уйимиз», «Бизнен мирас», «Немис шарҳи».
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Теннис. Тошкент оупен».
17.30 «Мультсеанс».
17.55 «Билишни истайман».
18.10 «Дунё мамлакатлари. Швейцария».
18.35 «Хикоя».
19.00 «Сўнгги қаҳрамон» «Ўйин тугаши».
20.00 «Время».
20.20 «Футбол. Европа-2004 чемпионати Россия-Грузия терма командалари».
22.20 «Олтин граммофон».
23.20 «Ахборот».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин».

ЯКШАНБА, 12

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Кўҳна замин оҳанглари».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
12.50 «КиноТеатр».
13.10 «Бойвачча Рич». Бадиий фильм.
14.40 «Маърифат». Телеальманах.
15.00 «Санъатга бахшида умр».
15.20 «Эргинамнинг орзуси». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.55 «Экран хандаси».
18.30 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.30 «Яхшилик».
22.05 «Талваса». Видеофильм премьераси. 2-қисм.
22.40 Теннис бўйича «Тошкент оупен» халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиш маросими.
«Якшанба кинозали»:
23.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Гамлет». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ – анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 "Янги авлод" студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Кувноқ стартлар.
10.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
11.00 Чемпион сирлари.
11.20 Оҳанрабо.
12.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
12.50 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1 Аскар мактублари, 2 Қутқарув «050».
13.25 Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижро этади.
13.40 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 5-қисм.
14.35 ТВ-анонс.
14.40 Ёшлар овози.
15.00 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.50 Азизим.
16.25 Болалар экрани: «Шрек». Мультфильм.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 "Янги авлод" студияси: Катта танаффус, Болалар учун концерт.
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ – анонс.
19.25 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намойиш этади.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.10, 21.10, 22.30 Эълонлар.
20.15 «Маҳабхорат». Бадиий фильм 6-қисм (якунловчи)
21.15 «Заковат» саралаш ўйинлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 ТВ – анонс.
22.40 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Оқсоч хоним». Бадиий фильм.
0.25 – 0.30 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Бу ҳам кино».
17.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.20, 22.20 «Экспресс» телегазетаси.
19.30 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.50 «Жаҳон географияси».
20.20 «ТВ плюс».
20.50 «Озод ва обод юрт».
21.10 ТТВда сериал: «Қиш сонатаси».
22.30 Кинонигоҳ. «Матильда».
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

8.55 Кўрсатувлар тартиби.
9.00 «Инглиз тили курси».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Уйғоқ қайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
11.40 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
11.50 Кинематограф. «Оз мамлакатининг сеҳргари». Бадиий фильм.
13.20-14.40 Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Ватан сурури», «Айчурек», «Чинсен».
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш».
18.20 «Жосуслар фарзандлари». Кинокомедия.
20.00 «Тенгдошлар».
20.30 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.00 Кинематограф. «Ўзга сайёралик». Бадиий фильм.
22.40 Бокс. Роман Кармазин – Дэвид Уокер.
23.40 «Таҳлилнома».
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин».

Эҳтиром

БИР ҲАРФ ЎРГАТГАН УСТОЗ

ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди

Инсон умр бўйи ёруғликка интилиб яшайди. Зеро, унга маънодош сўзларнинг кўп эканлиги ҳам шундан. Нурли, зиёбахш, ойдин, равшан... Ҳар бири ўз жойида, айтилажак фикрдан келиб чиқиб истеъмол этилса-да, лекин улар аксари ҳолларда маънавий оталик ва оналик даражотида бошларга кўтарилмиш ўқитувчи-муаллимларгагина ярашиқлидир.

Тошкент Давлат педагогика университети ректори, профессор Баҳром Ғафурович ҚОДИРОВ билан мулоқотимиз чоғида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

- Бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Ҳазрат Алишер Навоийдан ўтказиб бир сўз айтиш қийин, албатта. Лекин ижозатингиз билан ушбу саволни бермоқчиман: устоз-муаллимлар тайёрланадиган илм ўчоғини қандай атамоқ лозим?

- Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу шубҳасиз, ўқитувчилик касбидир. Ўзим шу соҳа кишиси бўлганлигим учунгина бу сўзларни айтаётганим йўқ. Истаган одамингиздан сўранг - қурувчи ҳам, тадбиркор ҳам, ҳунарманд ҳам бажонидил тасдиқлайди. Сабаби аён: ҳаммани муаллим ўқитган, ҳаёт пиллапояларидан қоқилмай бориши учун йўл-йўриқ кўрсатган.

Дарёнинг аввалбоши бўлгани каби касб-ҳунарнинг ҳам ибтидоси мавжуд. Лекин, кези келганда, эътироф жоиз - ҳар ким ҳам юрак ютиб ўқитувчиликни танлайвермайди. Унинг ўзига хос машаққатлари бор; енгиб ўтишга кўзи етган йигит-қизгина шундай қарорга келади. Бир умр заҳматли меҳнатни бўйнига олган одамларга ҳар қанча таъзим айламанг, барибир кам. Лекин энг олий эҳтиром уларга пухта билим бериш, десам назаримда бошқалар ҳам қўшилса керак. Чунки тафаккур сарчашмаларини илм-фан деб аталмиш оби ҳаётга лиммо-лим тўлдирибгина ўзгаларни ўз сўзингга ишонтиришинг, ортингдан эргаштиришинг мумкин. Шу маънода мен домлаларимизни афсонавий очил дастурхонга қиёслагим келади. Тортиқ қилгани сайин тўлиб-тошиб, бойиб борувчи шундай касб эгаси яна қаерда бор?!

Дарвоқе, университетимиз нафақат малакали ўқитувчилар тайёрловчи маскан сифатида, балки 19 та йўналиш бўйича таянч олий таълим муассасаси деб эътироф этилганлиги билан ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди. Бу эса ўз навбатида барча факультетлар ва кафедраларнинг ана шу мақомга муносиб фаолият юритишини таъминлашни тақозо этади.

- Бўладиган бола бошидан маълум. Бу демакки, мазкур илм даргоҳидан қандай мутахассис етишиб чиқиши кўп жиҳатдан кимлар талабаликка қабул қилинганига боғлиқ. Бу йил илк бор аудиторияларга кириб келган толиби илмларнинг, таъбир жоиз бўлса, сифат даражаси хусусида нима дея оласиз?

- Пурҳикмат сўзларга бой халқимизда яна бир ибора бор: жўжани кузда санайдилар. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, хулосага ҳали эрта. Аммо ўтган йиллар тажрибаси умуман ижобий фикр билдиришга ундайди. Университетимизнинг ўн талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти, Беруний ҳамда Навоий номидаги Давлат стипендияларига ўтказилган танловнинг биринчи босқичи ғолиблари деб топилиб, иккинчи босқичга тавсия этилганлигининг ўзиёқ кўп нарсани англатади.

Лекин кўнгил тўлмаган жойларимиз ҳам йўқ эмас. Ўқув жараёнида бир муаммога муттасил равишда эътибор қаратишга мажбур бўлмоқдамиз. Бу - саводхонлик масаласидир. Неча йилки, адолат тарозусини қўлида маҳкам тутиб келаётган одил ҳакам - қабулнинг тест усули оғиримизни енгил қилганидан миннатдор бўлган ҳолда рўй-рост айтишимиз мумкинки, биз ҳамон йигит-қизларнинг ҳақиқий саводхонлигини белгилашнинг тўла-тўкис уддасидан чиқдик, дея хотиржам бўла олмаймиз.

Талабалик бахтига эришганларнинг анчагина қисми дастлабки пайтларда оддий жумла тузишни билмайдилар, кўплаб имловий хатоларга йўл қўядилар. Бу, айниқса, келгусида педагог бўладиган мутахассислар учун уятли ҳолдир. Шу боис, худди журналистика соҳасида абитуриентларга нисбатан жорий этилгани сингари ижодий танловга ўхшаш имтиҳон олди синовини бизда ҳам қўллашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман. Шундай қилинса умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида саводхонликка эътибор кучаяр эди.

- Лекин шу ҳолида ҳам педагогларга бўлган талаб ортса ортиб боряптики, асло камаймаяпти.

- Бу табиий. Халқимиз болажон. Янги-янги мактаблар қурилаётгани, замонавий биноларга жойлашган коллеж ва лицейлар ташкил этилаётгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, яқин йиллар ичида мослаштирилган ёҳуд авария ҳолатидаги мактаблар бутунлай барҳам топади. Кўркам қиёфага эга бўлган синфхоналарда ҳозиргидек (айниқса қишлоқларда) ўттиз ва ундан ортиқ ўқувчи эмас, узоғи билан йигирма-йигирма беш ўғил-қиз сабоқ чиқарадиган бўлади. Бу эса яна кўплаб ўқитувчиларни жалб қилиш деганидир.

Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим фанлар бўйича педагоглар етишмаслиги сезилмоқда. Айниқса, информатика, чет тили, чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия кабилар жойларда талаб даражасида ўтилмаётгани ҳақида маълумотлар бор.

Бу - муаммонинг бир томони. Унинг иккинчи ҳиҳати эса, юқорида ишора қилиб ўтилганидек, ўқитувчи-педагогларнинг малакаси масаласи. Сир эмас, ўқувчи наздида муаллим ҳамма нарсани билади ва унинг у ёки бу саволга етарли даражада жавоб бера олмаслигини ўқувчилар оғриниб қабул қиладилар. Шундай экан, бўлажак педагог ҳаётда дуч келиши эҳтимол тутилган вазиятларга талабалик чоғидан ўзини ҳозирлаб бориши, энг яхшиси, ўз устида тинимсиз ишлаш кўникмасини ҳосил қилиши даркор.

Талабаларни педагогик амалиётни ўташ учун мактабларга бириктириб қўйиш аввалдан бор нарса. Лекин малакали ўқитувчи бўлиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Кези келганда шуни айтишим лозимки, университетимизда талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, республика фан олимпиадаларига тайёрлаш борасида бир мунча тажриба тўпланган. Бундай ишларнинг самарасини ошириш мақсадида «Иқтидорли талабалар академияси» ташкил этилган, иқтидорли талабалар мониторинги олиб борилади.

Ҳозирда 56 талаба махсус дастурлар асосида замонавий ахборот технологиялари, чет тилини ўрганиш курсларида ўқимоқда.

Хуллас, саъй-ҳаракатларимизнинг барчаси бир мақсадга қаратилган, у ҳам бўлса, бугунги талаба эртага эл меҳри тушган устозга айланиши керак.

- Давр қотиб қолган жуда кўплаб тушунчаларга ўз тузатишларини киритмоқда. Меҳнатга муносабат ўзгарди. Шахс манфаатлари устуворлик касб этди. Шундай шароитда устозлар заҳмати ва талабалар интилиши қай тарзда қадр топмоқда?

- Университетимизнинг кундузги шаклида 7537 талаба, сиртқи шаклида 3076 талаба, махсус сиртқи шаклда 1605 талаба ва магистратурада 424 талаба ўқимоқда. 1100 га яқин профессор-ўқитувчи асосий штатда ва ўриндош сифатида ўқув жараёнида қатнашмоқда. Шундан фан докторлари, профессорлар 55 нафар, фан номзодлари, доцентлар 141 нафар, катта ўқитувчилар 133 нафар, ўқитувчилар 398 нафарни ташкил этади.

Бу, шубҳасиз, катта куч ва табиийки, у жиддий ёндошувни тақозо этади. Бунда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа келишуви ғоят асқотмоқда. Профессор-ўқитувчиларнинг дам олишларини ташкил этиш ва байрамлар муносабати билан рағбатлантиришлар ўз йўлига. Энг муҳими, меҳнатга яраша рағбат бўлишига эришишдир. Маълум маънода бунинг уддасидан чиқилмоқда.

2002-2003 ўқув йилидан бошлаб университетда профессор-ўқитувчиларнинг ўқув йили натижаларига кўра ўқув, маънавий-маърифий ва илмий ишлари якуни бўйича рейтингларини аниқлаш жорий этилди. Энг юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлган деканлар, кафедра мудирлари, профессорлар, доцентлар, ўқитувчиларни 50 фоиз устама ҳақ олиш шаклида рағбатлантириш йўлга қўйилди. Шу билан бирга университет Илмий Кенгашида тасдиқланган «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши доцент», «Энг яхши профессор» унвонларига танлов ўтказилмоқда. Кафедраларда ўтган ўқув йилидан бошлаб «Моҳир педагог» танлови эълон қилинганлиги ҳам ўз самарасини бермоқда.

Бу ҳаммаси эмас. Юқорида мен «Иқтидорли талабалар академияси», иқтидорли талабалар мониторинги хусусида сўзлаган эдим. «Устоз-шогирд» анъанасини давом эттирган ҳолда ҳар бир иқтидорли талаба етакчи профессор-ўқитувчилардан бирига буйруқ асосида бириктириб қўйилган. Бундай масъулиятли юмушни зиммасига олган домлаларимизнинг маошига университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳар ойда қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилган бўлиб, бу ҳам рағбатнинг ўзига хос кўринишидир.

Муаллим - миллатнинг юзи. Унинг ҳурматини жойига қўйиш ҳам қарз, ҳам фарз.

Одамларимиз бунга дил-дилдан ишонади ва оғишмай амал қилади. Бизнинг бахтимиз ҳам аслида шунда.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

ОНА ВА БОЛА — ЮРТ ТАЯНЧИ

Қарши шаҳар туғруқ комплексининг вилоятда ўз ўрни бор. Бу ерда она ва бола саломатлигини тиклаш, ҳомиладор аёллар соғлигини мунтазам текшириш ва уларни туғруққа тайёрлаш, соғлом онадан соғлом фарзандни дунёга келтириш борасидаги тиббий хизматлар намунали йўлга қўйилган.

Шифохона 205 ўринли, унда гинекология, реанимация, физиология, туғруққа тайёрлаш каби бўлимлар она ва болалар хизматида. 55 шифокор, 91 нафар ҳамшира ўз ишининг ҳақиқий билимдонларига айланган. Салима Очилова эса ушбу туғруқ комплексининг бош шифокори.

– Бизнинг ягона мақсадимиз она ва бола саломатлигини асраш, – дейди бош шифокор. – Она соғ бўлса, дунёга келган фарзанд соғлом бўлади. Бу эса оилага ва биз шифокорларга катта масъулият юклайди. Шу боис, жамоамиз барча имкониятдан оқилона фойдаланиб, шифохонада керакли тиббий заруратларни яратмоқда. Бундан ташқари, шифокорлар малакасини ошириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Яқинда уларнинг 3 нафари Тошкент, бир киши эса Киевда бўлиб келди. Бундай тажриба алмашиш шифохона жамоасига ишончни янада орттиради.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Суратда: Қарши шаҳар туғруқ комплекси бош шифокори, олий тоифали акушер-гинеколог Салима Очилова

Шомурод Шаропов (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Миср Араб Республикаси мусаввирлари яратган расмлар кўргазмаси очилди.

МИСРЛИК РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

ёҳуд Камолиддин Беҳзоддан илҳомланиб чизилган сурат

Ўттизга яқин рангтасвир ва қаламтасвир асарларда тинчлик ва дўстлик рамзи акс этган. Эзгулик рамзи сифатида оқ кабутарлар, балиқ ва хурмо дарахти тасвирланса, тинч-осойишталик тимсоли сифатида кенг яйловлар, уларда бехавотир ўтлаб юрган туялар, самони тўлдириб парвоз этаётган қушлар акс эттирилган.

Санъат

Табиат куйчилари Самсан Амирнинг «Баҳор», «Қиз ва балиқ», Муҳаммад Тарвиннинг «Нил дарёси», «Қишлоқ манзараси» картиналари, Адел ал Месранинг гиламда акс этган композицияларида бир олам маъно-мазмун мужассам. Айниқса, Миср Араб Республикаси байроғида акс этиб турган кабутар томошабин диққатини тортади.

Миср халқининг бой маданияти, қадимий урф-одатлари, анъаналари акс этган суратларни тийран англаб етмоқ учун томошабин бу давлатнинг тарихи, қадимий меъморчилиги, дунёга машҳур эҳромлари ҳақида билимга эга бўлиши зарур.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, санъатнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бевосита араб халқлари ўтмиши била боғлиқ. Бу ҳақиқатга томошабин Рубеб Химр ва Иброҳим Абдусалом асарлари орқали ошно бўлади. Ислом тарихи манбалари, қадимий саждагоҳлар тасвирланган санъат дурдоналари, ҳайкалтарошлик намуналари рассомлар талқинида ўзига хос кўриниш олган.

Шунингдек, Рубеб Химр оналик меҳр-муҳаббати, қисматини тулки ва унинг боласи сиймосида талқин этади. Яқинда кўзи ёриган она тулки секин одимлайди, сутга ташна боласи орқасидан эргашиб бораяпти. Мусаввир тасвирлаган ушбу ҳолат қадимги Миср деворларида акс эттирилган.

Муҳаммад Иброҳим асарида акс этган меҳробдаги мушук эса арабларнинг бу жониворни нақадар эъзозлаши, унга меҳр кўйганидан далолат беради. Мусаввирлар ўз асарларини ривоят ва ҳикоятлар асосида яратганлар.

Али Дасукининг «Даладан қайтиш» асарида бугунги Миср аёлларининг ҳаёти, турмуши акс этган. Унда эшак миниб ишдан қайтаётган қишлоқ аёли тасвирланади. Чачвонга ўранган аёлнинг бошида бир боғ ўт, қўлида сопол идиш, эшаги йўғалаб кетаяпти. У ниҳоятда чарчаган, қўриниши ҳорғин.

«Шаҳарлик чўпон қиз» картинаси эса ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Табиат билан уйғунликда яратилган асар Миср халқларининг касб-кори, маданияти, урф-одатларидан ҳикоя қилади. Эчкиларни Арабистон саҳроларида ўтлатиб юрган кўҳликкина қиз сиймоси томошабинни ўйлатади, мушоҳадага чорлайди.

Мусаввир Али Дасуки Шарқнинг буюк рассомлари Камолиддин Беҳзод ва Маҳмуд Музаҳибларга эргашиб, улардан таъсирланиб ижод қилади. Кўргазмадан ўрин олган «Қишлоқ қизи» асарида бу яққол кўзга ташланади. Айниқса, унинг «Қуш сотувчи қиз» асари тийран мазмуни билан томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Картинада бошида кабутарлар тўла саватни кўтариб олган қиз тасвирланган. Унинг ёнидаги қизалоқнинг қўлида кабутар. У ниҳоятда хурсанд. Ҳозиргина сотиб олган кабутарини парвозга чорлайди. Бу билан дунёда тинчлик, дўстлик, саломатлик мангу барқарор бўлишини истайди.

Маҳмуд РАМАЗОНОВ, санъатшунос

Касаба уюшма оталиғи

ҲАШАР

ўйингоҳлар ҳамда спорт заллари шу йўл билан таъмирланмоқда

Агросаноат мажмуи ходимлари Андижон вилоят касаба уюшма қўмитасида ҳамда унинг тизимидаги мавжуд бошлангич касаба уюшмаларида тармоқ меҳнаткашлари ўртасида маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини яхшилаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги уч йил ичида вилоят қўмитасининг раёсати ҳамда туман касаба уюшмалари пленуми ҳамда раёсат йиғилишларида бу борадаги масалалар тез-тез муҳокама қилиб борилаётганлигининг ўзи ҳам маданий-маърифий ҳамда спорт ишлари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида эканлигидан далолат бериб турибди. Шу боисдан ҳам вилоят спортчилари республика мусобақаларида фаол иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

Хусусан, Олтинкўл туманидаги «Намуна» ширкат хўжалигининг волейболчи қизлар жамоаси, Қўрғонтепа туманининг «Отам, Онам ва мен» оилавий жамоаси, Пахтаобод туманининг стол тенниси бўйича ва Марҳамат туманининг енгил атлетика бўйича спорт жамоалари Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳрида бўлиб ўтган республика мусобақаларида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Республикамиз Президентининг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми давомида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси тасарруфидаги 19 та болалар оромгоҳлари спорт майдончалари таъмирдан чиқарилди. Тўгараклар ташкил этилиб, уларда 3.5 мингдан зиёд болалар спортнинг турли соҳаларида ўз малакаларини оширдилар.

Айни вақтда вилоят тармоқ касаба уюшмалари тасарруфида 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Андижон туманидаги «Шарқ юлдузи», Балиқчи туманидаги Х.Эргашева номли, Олтинкўл туманидаги «Туркистон», Пахтаобод туманидаги «Намуна», Озод ширкат хўжаликларидаги спорт мактабларида ўндан зиёд тўгараклар фаолият кўрсатмоқда.

Айни кунларда бошланғич ташкилотлар ҳар бир хўжалик, ташкилот ҳамда муассасалардаги мавжуд ўйингоҳлар ҳамда спорт заллари таъмирлаб, уларни меҳнаткашлар ихтиёрига бериш учун ташаббус кўрсатишмоқда. Шу муносабат билан ҳашар ҳамда шанбаликлар уюштирилмоқда. Ана шу йўл билан меҳнаткашларни оммавий спортга жалб этиш Марҳамат туманидаги «Машъал», Хўжаобод туманидаги «Ўзбекистон», Олтинкўл туманидаги «Намуна», «Туркистон», Булоқбоши туманидаги «Жўраполвон», Избоскан туманидаги Тиллабоев номли ширкат хўжаликларида кўпгина ишлар амалга оширилди.

Вилоят қўмитаси тасарруфидаги 14 та кутубхоналар ишини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур зиё масканларида китоб заҳираси сони 71 минг 830 тага етказилди. Уларнинг кўпчилиги замонавий, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи асарлардир. Жумладан, Қўрғонтепа туманининг «Намуна» ширкат хўжалигида жорий йилда 100 минг сўмлик китоб харид қилинди. Энг муҳими, кутубхона ҳамда клубларда меҳнаткашларнинг адабиёт ва санъат вакиллари билан учрашувлари ҳам тез-тез ўтказилмоқда.

Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Кўпгина жамоа хўжаликларидаги ўйингоҳлар таъмирталаб. Айрим кутубхоналардаги китоб жамғармасини бойитиш лозим. Мана шу муаммолар хўжаликлар раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда ҳал этилса, меҳнаткашларнинг унумли ҳордиқ чиқаришлари ҳамда уларни оммавий спортга жалб этиш ишлари янада яхшиланган бўлар эди.

Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири



ТУРНИР ЖАДВАЛИДА

фақат бир устунда "ҳисоб очилмади"

Мағлубиятга учрамайдиган жамоанинг ўзи бўлмайди. Манаман деган клублар ҳам вакти-вакти билан муваффакиятсизликка учраб туришади. Мадриднинг «Реал» командаси бунга яққол мисол. Энг ёркин «юлдуз»ларни жамулжам қилган жамоа бир карашда умуман ютказишга ҳаққи йўқдек. Аслида-чи?

Шундай экан, чемпионатимиз карвонбошиси «Пахтакор» 18-турнинг қолдирилган учрашувида «Сурхон»га 0:1 ҳисобида ўйинни бой берганини тўғри қабул қилмоғимиз мумкин. Етакчи футболчилар анча чарчаб қолганликларини биз аслида «Трактор» билан ўтказилган аввалги учрашувда пайқаган эдик. Чамаси, бу чарчоқ Сурхондарё сафари чоғида ўзини кўрсатган шекилли.

«Пахтакор»нинг бу мағлубиятидан сўнг «Нефтчи» жамоаси мухлислари кўнглида умид чироқлари ёнган бўлса ажаб эмас.

Навбатдаги турда «Пахтакор» ўз майдонида «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилса, «Нефтчи» турнир жадвали карвонбошчисини мағлуб этган «Сурхон» меҳмони бўлади. Қани кўрамиз, термизликлар бу гал қандай ўйнашар экан?

Дарвоқе, яна бир гап. Шу кунгача турнир жадвалининг «мағлубиятлар» устунида «Пахтакор» жамоасигина «0» ҳолатида эди. Куни кечаги ўйиндан сўнг бу барҳам топди. Энди биз «Қўқон-1912» клубининг дурангга имзо чекишини кутишимизгина қолди.

3-октябргача бўлган ҳолат

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Пахтакор»	**25**	**22**	**2**	**1**	**76-19**	**68**
2.«Нефтчи»	**25**	**20**	**1**	**4**	**70-30**	**61**
3.«Қизилқум»	**25**	**15**	**3**	**7**	**50-25**	**48**
4.«Насаф»	25	15	3	7	49-35	48
5.«Навбаҳор»	24	14	5	5	47-22	47
6.«Машъал»	25	11	4	10	39-33	37
7.«Сурхон»	25	10	4	11	28-42	34
8.«Андижон»	25	8	6	11	30-31	30
9.«Самарқанд-Д»	25	9	2	14	34-39	29
10.«Дўстлик»	25	8	3	14	32-50	27
11.«Бухоро»	24	8	2	14	39-44	26
12.«Цементчи»	25	6	7	12	33-52	25
13.«Қўқон-1912»	25	8	0	17	35-57	24
14.«Металлург»	25	6	5	14	28-56	23
15.«Трактор»	**25**	**6**	**4**	**15**	**28-55**	**22**
16.«Гулистон»	**25**	**6**	**3**	**16**	**20-53**	**21**

АНЪАНАВИЙ СПАРТАКИАДА

Яқинда Навоий шаҳрида республика давлат солиқ хизмати идоралари ходимларининг 2-анъанавий спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда солиқчилар спортнинг стол тенниси, қўл жанги, кураш ва миллий кураш турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар давлат солиқ бошқармаларининг терма жамоалари иштирок этган мазкур спартакиадада Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилган ҳаваскор спортчилар мусобақа якуни бўйича умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қўлга киритдилар. Биринчи ўрин Навоий вилоят солиқчиларига насиб этди.

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9060 Буюртма Г— 916. 1 2 3 4 5